

---

## Хамқишлоғини дўппослаган зўравон

Ўзбекистон тумани Қудаш маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро **А.С** 2021 йил 26 май куни кўчада хамқишлоғи фуқаро **Б.Д** билан учрашиб қолиб, у билан ҳеч бир сабабсиз ўзаро гап таллашиб жанжаллашиб, жанжал давомида **Б.Д.**нинг танасининг дуч келган жойларига қўл-оёқлари билан уриб-дўппослаб, унга оғир тан жароҳати етказган.

Мазкур ҳолат юзасидан Ўзбекистон тумани ИИБ ҳузуридаги ТБ томонидан **А.С.**га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми “е” банди билан жиноят иши қўзғатилди.

Тергов давомида фуқаро **А.С.**га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми “е” банди билан айблов эълон қилиниб, “қамоқ олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилди.

**Ўзбекистон тумани прокуратураси**

2021-05-30 23:14:18